

**ЎЗБЕКИСТОН АГРАР ФАНИ  
ХАБАРНОМАСИ**

**4 (70) 2017**



**ВЕСТНИК АГРАРНОЙ НАУКИ  
УЗБЕКИСТАНА**

**4 (70) 2017**

**BULLETIN OF THE AGRARIAN  
SCIENCE OF UZBEKISTAN**

# ЎЗБЕКИСТОН АГРАР ФАНИ ХАБАРНОМАСИ

Журнал 2000 йил апрел  
ойида ташкил топган

Бир йилда 4 марта  
чоп этилади

Тошкент

№ 4 (70) 2017.

## МУНДАРИЖА

### Селекция, генетика ва уруғчилик

<i>Н.Н.Санаев, Н.Г.Губанова, Ш.Юнусхонов.</i> Ғўзанинг турлараро дурагайлаш асосида олинган тизма ва нав намуналарининг сув танқислигига бардошлилиги.....	7
<i>И.Р.Нуритов, Н.Қ.Ражабов.</i> “С-6541” ғўза навини парваришда сув ва ўғит меъёрларининг ҳосилдорлигига таъсири.....	11
<i>М.Ф.Санамьян, С.К.Матякубов, Ш.У.Бобохужаев, Ш.Э.Намазов.</i> Ғўзанинг тизимлари ва янги мураккаб турлараро дурагайлари чангчиларнинг пуштлилигини баҳолаш.....	15
<i>М.М.Хотамов, А.К.Тонких, С.М.Набиев, И.Д.Курбанбаев, И.Г.Ахмеджанов.</i> Паст частотали электромагнит майдонининг ғўза ҳосилдорлигига таъсири.....	18
<i>Г.Ф.Маматқулова, Ф.С.Раджапов, Б.Т.Муллахунов, И.Ю.Абдурахмонов.</i> <i>Gossypium hirsutum sos2</i> генининг <i>in silico</i> анализи.....	22

### Агрокимё ва тупроқшунослик

<i>Ҳ.Қаришибоев, Т.Ходжакулов, С.Ғайбуллаев.</i> Лалми ерларнинг кир-адирлик минтақасида каттик буғдойнинг «Жавохир» нави дон ҳосилдорлигига экиш ва озиклантириш меъёрларининг таъсири.....	26
<i>М.С.Бахтиерова, С.И.Куканова, Л.И.Зайнитдинова, Ж.Ж.Ташпулатов.</i> Пестицидлар билан кучли ва кучсиз ифлосланган тупроқлардаги микромицетлар.....	30
<i>Л.А.Гафурова<sup>1</sup>, Д.А.Кадирова<sup>2</sup>.</i> Тупроқ биологик потенциалининг шаклланишида унинг агрокимёвий ва агрофизикавий хоссаларининг аҳамияти.....	34

### Дехқончилик ва мелиорация

<i>Идирисов К.А.</i> Ғўза ўсимлиги ўсиш ва ривожланишида препаратларнинг аҳамияти.....	37
<i>У.Ю.Чаршанбиев.</i> Ғўза далаларидаги бегона ўтларга қарши агротехник ва кимёвий кураш чораларининг самарадорлиги.....	40

### Мева-сабзавотчилик ва ўрмончилик

<i>З.А.Абдиқаюмов.</i> Гилос пайвандтаглари ярим ёғочлашган қаламчаларидан кўпайтириш технологияси.....	47
<i>В.В.Ким.</i> Полиз дуккакли экинлар навларини танлаш ва уларнинг етиштириш технологияси.....	51
<i>А.А.Хакимов.</i> Шампиньон ( <i>Agaricus bisporus</i> (Lange) Imbach) етиштириш учун қисқа муддатли компост тайёрлаш усули.....	55

### Ўсимликларни химоя қилиш

<i>Б.А.Сулаймонов, У.А.Исаишова, А.Р.Анорбаев.</i> Ғовак ҳосил қилувчи пашшалар ( <i>Liriomyza sativae</i> Blanch) нинг итузумдошли экин турлари бўйича ривожланиши.....	62
<i>И.Р.Саидов, Б.С.Насиров.</i> Ғўзадаги трипсларга қарши Аграфос-Д 55% эм.к. препаратининг қўллаш самарадорлиги.....	64
<i>Х.Х.Кимсанбаев, А.Р.Анорбаев, Р.А.Жумаев, Ж.Э.Алимджанов.</i> <i>In vitro</i> мухитида кўпайтирилган трихограмма ва бракон авлодлари жинсий нисбатига абиотик омилларнинг таъсири.....	67
<i>А.М.Худойқулов, М.М.Қаландарова, Н.Қ.Сайимов.</i> Қоратанли ва қарсилдоқ кўнғизлар биоэкологияси ва уларга қарши самарали кураш чоралари.....	70

### Агроэкология

<i>Г.Х.Холбаев, А.К.Абдуллаев.</i> Дарёлар суви кимёвий таркибининг ҳосил элементларига таъсири (Тошкент вилояти мисолида).....	74
---	----

## ДЕҲҚОНЧИЛИК ВА МЕЛИОРАЦИЯ

УДК:631.4

К.А. ИДИРИСОВ

### ЃЎЗА ЎСИМЛИГИ ЎСИШ ВА РИВОЖЛАНИШИДА ПРЕПАРАТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Қишлоқ хўжалик экинлари, хусусан ғўза ўсимлиги ҳосилдорлиги ва тола сифатини ошириш, хар-хил касаллик ва зараркунандаларга бардошлилигини таъминлашда биоўғитлар ҳамда кимёвий стимуляторларнинг самарасини ўрганиш бугунги куннинг долзарб масаларидан бири ҳисобланади. Мазкур мақола юқоридаги долзарб муаммолар ечимига қаратилган бўлиб, мақолада Қорақалпоғистон республикаси Нукус тумани шароитида етиштирилаётган ғўзанинг С-4727 навига “Microzum-2” “Микроўстиргич” биоўғитлари ҳамда “Ўзхитан” ва “Мадад” препаратларининг таъсирини ўрганиш юзасидан олинган натижалар ва уларнинг таҳлили келтирилган.

**Калит сўзлар:**Микрозим-1, Микрозим-2, Вербактин, Микроўстиргич, Серхосил, Мадад, Фосстим-1, Биоазот, Биокристалл, Ўзхитан, ҳосилдорлик.

Бугунги кунда мамлакатимизда суғорма деҳқончилиги ва ер-сув ресурслари имкониятларидан фойдаланишни эътиборга олган ҳолда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, олинадиган ҳосил миқдори ва сифатини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 7 февралдаги қарорига 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясини тасдиқлаб, унда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, экологик соф маҳсулотларини етиштиришни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига замонавий ресурстежамкор агротехнологияларини кенг жорий қилиш вазифаларини белгилаб берди. Бу борада, экинларни ноқулай тупроқ-иклим шaroитида етиштириш ҳамда юқори ва сифатли ҳосил олишда янги самарадор инновацион технологияларни қўллаш муҳимаҳамият касб этади – улар ресурстежамкор агробиоэкологиялардир. Ушбу технологиялар асосида тупроқ унумдорлигини тиклаш, ўсимликлар ўсишини тезлаштириш, касалликларга чидамлилигини ошириш, деградацияга учраган ерларда етиштирилаётган ўсимликларни турли стресс омилларга чидамлилигини ошириш, ҳосил сифатини ва миқдорини оширишдан иборатдир.

Қўлланилаётган препаратлар иклим ўзгариш шароитида стимуляторлик, фунгицидлик, бактерицидлик хусусиятларига ҳамда тупроқдаги

биологик фаолликни оптималлаштириб тупроқ унумдорлигини тиклаш ва оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, пахтачиликда ҳар қандай тупроқ иклим шароитида ҳам турли ташқи омилларга чидамли, касалликларга бардошли, серхосил, тезпишар, тола сифатижаҳон бозори талабларига жавоб берадиган ғўза навларини яратиш ва уларни парваришлашда юқори самарали агротехнологияларни ишлаб чиқиш ва қўллаш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Ғўзанинг ўсиб ривожланишини яхшилаш йўлларида бири сифатида ўсишни соловчи моддалар ва микробиологик препаратлар билан уруғларни экишдан олдин ва ўсимликнинг ўсув давларида қўллаш технологияларини ишлаб чиқишдир. Бугунги кунда олимлар томонидан қатор препаратлар яратилган бўлиб, улар ичидан юқори самара берадиганларини аниқлаш ва ишлаб чиқаришга тавсия этиш долзарб масала ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик экинлари, хусусан ғўза ўсимлиги ҳосилдорлиги ва тола сифатини ошириш, касаллик ва зараркунандаларга бардошлиликни таъминлашда препаратларнинг самарасини ўрганиш борасида С.Рашидова, А.Рахимов, Қ.Давронов, Г.Жуманиязова, С.Хожибаева, З.Ахмедова, Х.Хамидова, Д.Рашидова, Л.Гафурова, Ш.Абдуалимов, С.Мурадова, Г.Приниязов ва бошқа кўплаб олимлар тадқиқотлар олиб бориб, улкан ютуқларга эришган.

Ўзбекистонда охириги 15-25 йиларда Давлат Кимё комиссияси томонидан рўйхатдан ўтказилган “Микрозим-1”, “Микрозим-2”, “Фунгиоспори”, “Лепидоцид”, “Вербактин”, “Микроўстиргич”, “Серхосил”, “Фосстим-1” ва бугунги кунда қўлланилаётган янги препаратлар “Биоазот”, “Биокристалл” – биофунгицид, бактериалўғитлар ва комплекс таъсирга эга бўлган биопрепаратлар яратилган бўлиб суғорма дехқончиликда маълум худудларда фойдаланиб келинмоқда. Юқорида қайд этилган олимлар томонидан препаратлар – ғўза кўсак тугиш самарадорлиги, битта кўсакдаги пахта вазни ва ҳосилдорлик кўрсаткичларини ҳам ошганлигини қайд этиб, препаратлар ғўзанинг асосий хўжалик белгилари кўрсаткичларини оширишда яхши самара беришини келтириб ўтилган.

Мазкур мақола ҳам юқоридаги долзарб муаммолар ечимига қаратилган бўлиб, “Microzym-2” “Микроўстиргич” биоўғитлари ҳамда “Ўзхитан” ва “Мадад” препаратларни ғўзанинг С-4727 нави морфо-хўжалик белгиларига таъсирини ўрганиш юзасидан олинган натижалар ва уларнинг таҳлили келтирилган.

“Microzym-2” биопрепарати: ЎзФА Микробиология институти олимлари (З.Р.Ахмедова раҳбарлигида) томонидан яратилган ва 2011 йилда Давлат синовидан ўтказилган бўлиб, экологик хавфсиз, қишлоқ хўжалик экинларини ҳосилдорлигини оширади ва касалликка чалинишини олдини олади. Препарат уруғларни унувчанлик қувватини оширади, ҳосил тез етилади ва пишади, тупроқ унумдорлигини оширади тиклашқа ёрдам беради.

“Микроўстиргич” биоўғити: ЎзФА Микробиология институти олимлари (Х.М.Хамидова раҳбарлигида) томонидан яратилган бўлиб, Давлат синовидан ўтказилган. Биоўғит гармон ва фермент синтезловчи ҳамда азотфиксатор микроорганизмлар мажмуаси асосида яратилган. Унинг асосий хусусиятлари – тупрокни озуқа моддалари ва фойдали микрофлора билан бойитиш

ҳисобига унинг унумдорлигини оширади, илдиз моғори ва бошқа замбуруғли ва бактериал касалликлардан ҳимоя қилади, кимёвий препаратлар ва минерал ўғитларни сарфланиш меъёрни қисқартиради, уруғларни униб чиқиш қувватини оширади, ҳосил етилишини 7-8 кунга тезлаштиради, ўсимлик иммунитетини ҳамда стрессга чидамлилигини кучайтиради.

Ўзхитан препарати: Уз ФА Полимерлар кимёси институти олимлари (С.Ш.Рашидова раҳбарлигида) томонидан яратилган бўлиб, Ўзбекистон Давлат кимё комиссияси томонидан рўйхатдан ўтказилган. Препаратлар билан уруғлар капсулаланганда қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғи капсулаланганда ўсиш қуввати ошиши, замбуруғ ва бактериал касалликларга, иқлим ўзгариши шароитида қурғоқчилик ва ўта намлик, шўрланиш ва гидроморф муҳитга чидамлилиги ошгани, ҳосил тезроқ етилганлиги кузатилади.

Тадқиқот натижаларига эътибор қаратадиган бўлсак, С-4727 нави хос ўсимликларнинг айрим морфологик белгилари 1-июнь ҳолатига кўра аниқланди. Унга кўра ўсимлик бўйи назоратда ўртача 49,2 см ни ташкил этган бўлса, “Microzym-2” ва “Ўзхитан” препаратларида нисбатан баланд эканлиги, яъни тегишли равишда 52,8 ва 53,9 см ни ташкил этди. Бу эса назоратга нисбатан ўсимликларнинг 3-4 см га баланд эканлигини тасдиқлайди. “Мадад” ва “Микроўстиргич” да эса натижалар назорат навларга нисбатан бир мунча паст эканлигини кўрсатди. Бу натижалар бошқа белгилар бўйича ҳам тасдиқланиб, “Microzym-2” ва “Ўзхитан” препаратлари билан ишлов берилганда ўсимликдаги ҳосил шохлар сони назорат ва бошқа препаратлар билан ишлов берилган ўсимликларга нисбатан 1-2 дона кўп бўлиши аниқланди. Бу белги бўйича энг паст натижа “Мадад” препарати қўлланган ўсимликларда кузатилиб, уларда ҳар ўсимликда ўртача 6,3 дона ҳосил шохи мавжудлиги аниқланган бўлса, энг юқори натижа “Ўзхитан” билан ишлов берилган ўсимликларда, яъни ўртача ҳар бир ўсимликка 8,6 дона ҳосил шохи тўғри келди.

**1-жадвал**

**Турли препаратлар қўлланилганда С-4727 ғўза нави белгиларининг кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	Препаратлар (вариантлар)					Микро-ўстиргич
	Муддат	Назорат	Microzym-2	Ўзхитан	Мадад	
Ўсимлик бўйи, см	1-июнь	15,8	16,2	16,4	16,1	16,1
Ўсимлик бўйи, см	1-июнь	49,2	52,8	59,9	47,2	48,2
Ҳосил шохи, дона	-/-	6,8	7,8	8,6	6,3	7,3
Ўсимлик бўйи, см	1-август	72,8	90,1	88,1	93,1	91,1
Ҳосил шохи, дона	-/-	10,1	12,3	13,9	11,2	10,6
Кўсак сони, дона	-/-	5,0	7,9	7,3	7,2	6,7
Тезпишарлик элементлари						
50 % гуллаш, кун		64,0	60,5	60,0	61,0	60,0
50 % очилиш, кун		118,0	116,0	117,0	117,5	117,0

Ушбу белгилар 1-август ҳолатига аниқланганда юқоридагиларга нисбатан ўзгачароқ натижалар олинди, яъни “Мадад” ва “Микроўстиргич” препаратлари бош поя баландлиги назоратга нисбатан 20 см дан баланд эканлиги аниқланди. Эслатиб ўтамиз назорат ўсимликларда ўртача бош баландлиги 72,8 см ташкил этган бўлса, юқоридаги препаратлар қўлланилганда тегишли равишда 93,1 см; 91,1 см ни ташкил этди. “Microzum-2” ва “Ўзхитан” препаратлари билан ишлов берилган ўсимликлар бош поя баландлиги назоратдан яққол устун бўлган бўлсада, “Мадад” ва “Микроўстиргич” препаратлари билан ишлов берилган ўсимликларга нисбатан паст бўлиши кузатилди. Лекин, ҳосил шохлар сони бўйича 1-июл ҳолатидаги қонуният сақланиб қолганлиги аниқланди. Ушбу белги бўйича “Мадад”, “Ўзхитан” ва микроўстиргич препаратлари билан ишлов берилган ўсимликларда ўртача ҳар бир ўсимликка 12,9 ва 13,2 ва 12,6 дона тўғри келиб, назоратга нисбатан 2-4 дона кўп эканлиги аниқланди. Бу эса “Мадад”, “Ўзхитан” ва “Микроўстиргич” препаратлари ўсимликларини бўйини ўстириш учун ижобий таъсирга эга эканлигини асослайди. Шунингдек, қўлланилган препаратлар ўсимлик организмида моддалар алмашинувининг кучайишига олиб келиши, жумладан, баргларнинг фотосинтез фаолиятини кучайтириб, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши жадаллаштиришини ва кўплаб

кўсақлар тугилишини яхши исботлади. Бундан ташқари ўсимликлардаги ҳосилдорлик элементлари бўлган шоналар ва кўсақлар сони бўйича ҳам препаратлар билан ишлов берилганда назоратга нисбатан яққол устунликка эга бўлди. Айниқса “Мадад”, “Microzum-2” ва “Ўзхитан” препаратлари билан ишлов берилган ўсимликларда ҳосилдорлик элементлари сони анча кўп эканлиги кузатилди.

Ушбу препаратлар билан ишлов берилган ўсимликларнинг 50% гуллашгача бўлган даври ҳар туртала препаратлар билан ишлов берилган ўсимликларда бу белги ўртача 60-61 кунни ташкил этиб, назоратга нисбатан 3-4 кунга эртапишар бўлишини таъминлади. Ўсимликларнинг 50 % кўсақлар очилишигача бўлган даври барча препаратларда 116-118 кунга эга бўлди. Бу кўрсаткич нав муаллифлари томонидан берилган тавсифномага мос келиб, белгининг ижобий томонга олиб чиқишда препаратларнинг таъсири сезилмаганлигини яхши кўрсатди.

Юқоридагилар асосида хулоса қиладиган бўлсак, ўрганилган препаратлар ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши аниқланди. Ўсимликларда ҳосилдорлик элементларини оширишда “Microzum-2”, “Микроўстиргич”, “Мадад” ва “Ўзхитан” препаратларининг самараси юқори эканлиги аниқланиб, улардан кенг фойдаланиш ижобий натижа бериши асосланди.

*Мирзо Улугбек номидаги  
Ўзбекистон миллий университети*

*Қабул қилинган вақти  
5 сентябр 2017 йил*

### **Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасини Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисидаги фармони. Тошкент, 2017.

2. Абдуалимов Ш.Х. Ғўзанинг униб чиқиш, ўсиш ва ривожланишини фаоллаштирувчи оксигумат дорисини қўллаш натижалари //Пахтачилик ва дончиликни ривожлантириш муаммолари: Халқаро илмий-амалий конференция маърузалари асосидаги мақолалар тўплами. Тошкент, 2004. –Б. 112-115.

3. Давронов Қ. Чигит сарфи ва экиш олдида стимуляторлар билан ишлов бериш самараси //Ёш олимлар-қишлоқ хўжалиги фани ва амалиётини юксалтиришда етакчи куч: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги илмий ва олий таълим муассасалари

магистрлари, аспирантлари, тадқиқотчилари ва докторантларининг илмий-амалий конференцияси илмий мақолалар тўплами. “АГРОИЛМ” журнали. -Тошкент, 2008 . 91-94 б.

4. Рашидова С.Ш., Хайдарова М.А., Козубаев Ш.С., Рашидова Д.К., Шпилевский В.Н. Эффективность подготовки посевного материала хлопчатника с использованием полимерных форм химических средств защиты растений //Состояние селекции и семеноводства хлопчатника и перспективы развития: Тез. докл. международной научно-практической конференции. –Ташкент, 2006. –С. 238-239.

5. Мурадова С.С., Гафурова Л.А. и др. Новый полифункциональный биопрепарат для повышения биологической активности засоленных почв/ж. УзМУ хабарлари. Тошкент. №4/12, 2013. -С.201-206.

## К.А. ИДИРИСОВ

### Мавзу

Изучение эффективности химических препаратов и биологических стимуляторов на обеспечение выносливости разных болезней и вредителей, на повышение сельскохозяйственных растений, а также качества волокна и урожайность хлопка становится актуальной проблемой. В статье приведены результаты и их лабораторные данные биопрепарата "Microzym-2", "Микроустиргич" и химического препарата "Узхитан", "Мадад" на сорт хлопчатника С-4727 в условиях Нукусского тумана Республики Каракалпакстан.

## К.А.IDIRISOV

### Role of preparations in the development and growing of cotton

In this article are given materials on studying of the effectiveness of chemical preparations and biological stimulators on endurance of various diseases and pests, on the increase of agricultural plants, as well as fiber quality and cotton yield becomes an urgent problem. The results and their laboratory data of the biopreparation "Microzym-2", "Microustyrgich" and the chemical preparation "Uzhitan", "Madad" on the cotton grade C-4727 in the conditions of the Nukus region of the Republic of Karakalpakstan.

ЎЎК: 632.954

## У.Ю.ЧАРШАНБИЕВ

### ДЎЗА ДАЛАЛАРИДАГИ БЕГОНА ЎТЛАРГА ҚАРШИ АГРОТЕХНИК ВА КИМЎВИЙ КУРАШ ЧОРАЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Ушбу илмий мақолада Тошкент вилоятининг ўтлоки-бўз тупроқларни оддий ва икки ярусли плугларда шудгор қилинган ерлар шароитида ўза далаларидаги бир ва кўп йиллик бегона ўтларга қарши гербицидларни кетма-кет қўллашнинг самарадорлиги бўйича маълумотлар келтирилган. Стомп (2,0 л/га), Самурай (1,5 л/га) алоҳида қўлаганда кам йиллик бегона ўтлар самарали йўқотилади (83,9-90,9%), (2009-2010 й. маъл.). Самурай (1,5 л/га) ва Зеллек супер (1,0 л/га) гербицидларини кетма-кет қўлланилганда кам йиллик бегона ўтлар самарали таъсир этади (90,5-93,9%).

Зеллек супер (1,0 л/га) гербициди алоҳида қўлланилганда кам йиллик бегона ўтларга кучсиз таъсир этган (30,0-37,2%).

Кам йиллик бегона ўтларга қарши Стомп (2,0 л/га), Самурай (1,5 л/га), Самурай (1,5 л/га) ва Зеллек супер (1,0 л/га) гербицидларини кетма-кет қўллаш тавсия этилади.

Юқорида кўрсатилган препаратлар кетма-кет қўлланилганда кўп йиллик бегона ўтлар 88,3-92,0% га камаяди. Пахта ҳосилдорлиги назорат вариантыга нисбатан 2,3-6,0 ц/га ошади.

**Таянч сўзлар:** *бир йиллик бегона ўтлар, гербицид, Стомп, Самурай, Зеллек супер, гербицидларни кетма-кет қўллаш, ҳосилдорлик, самарадорлик*

### КИРИШ

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги соҳаси тараққиёти замонавий илғор технологияларни ишлаб чиқиш, экинлардан юқори ва сифатли ҳосил олиш, ер, сув манбаларидан тежамкорлик билан фойдаланиш ҳамда кам харажат қилиб кўп даромад олиш, қўл меҳнатини камайтиришни талаб этмоқда [3].

Қишлоқ хўжалиги экинлари орасида ўсадиган бегона ўтлар ҳосил миқдори ва сифатини пасайтирувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Уларга қарши кураш кўп куч ва маблағ талаб қилади. Ўзбекистон шароитида бегона ўтлар экинлар ҳосилдорлигини 10-20% га камайтиради [7].

Далаларда бажариладиган ишларнинг асосий қисмини бегона ўтларни йўқотишга қаратилган тадбирлар ташкил қилади. Агротехник кураш

чоралари, алмашлаб экиш ва гербицидлардан уйғунлашган ҳолда фойдаланилмаса далаларни бегона ўтлардан тоза бўлишига эришиб бўлмайди. Бунда гербицидларни қўллаш энг самарали восита ҳисобланади [7, 8].

Ҳозирги даврда суғориладиган ерларда баъзи фермер хўжаликларида бегона ўтларга қарши курашда гербицидлардан фойдаланишга эътибор бериш камайганлиги туфайли бегона ўтлар кўпайиб экинлар ҳосилдорлигига салбий таъсир қилмоқда. Бегона ўтларни йўқотиш ҳамда уларнинг кўпайишини олдини олишда алмашлаб экишни тўғри ташкил этиш ва самарали гербицидлардан фойдаланиш муҳим ҳисобланади [7, 8].

Маълумки, пахта далаларида ажриқ, ғумай, қўйпечак, саломалайкум каби кўп йиллик, олабута,